2016 ЙИЛ 25 НОЯБРЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 247 (13.310)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЭНГ МУНОСИБ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида "Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти" кўрик-танловининг мамлакат босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталарининг вакиллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалаҳатчилар, иқтидорли талаба-қизлар иштирок этди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги таъкидланди.

Хотин-қизлар қўмитасининг 44 мингга яқин бошланғич ташкилоти фаолият олиб бормоқда. 2016 йилнинг ўтган даврида бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари томонидан опасингилларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича турли тарғибот-тушунтириш ишлари, хотин-қизлар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилди.

2012 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Хотин-қизлар қўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти" кўрик-танлови жойларда хотин-қизларнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишини янада кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлаш, бошланғич хотин-қизлар ташкилотлари нуфузини янада ошириш бўйича ўзаро тажриба алмашиш мактаби сифатида ҳам аҳамиятли бўлмоқда. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида ташкил этилган бу йилги танловнинг туман (шаҳар) босқичларида 31 мингга яқин бошланғич ташкилот қатнашди. Август ойида бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичида 1 минг 300 дан ортиқ бошланғич хотин-қизлар ташкилоти иштирок этди ва уларнинг натижалари бўйича жами 123 нафар иштирокчи танловнинг мамлакат босқичида 9 номинация бўйича қатнашиши учун тавсия этилди.

– Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини хотин-қизларсиз тасаввур этиш қийин, – дейди Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи бошланғич ташкилоти раҳбари Дилором Алифбоева. – Ўттиз бир йилдан буён шу корхонада ишлайман. Корхонамизда 4 мингга яқин аёл меҳнат қилади, улар турли спорт тўгаракларида фаол иштирок этмоқда. Корхонанинг Маданият уйида нафақат биз, аёллар, балки фарзандларимиз учун ҳам тикиш-бичиш, рақс, чет тилларини ўрганиш тўгараклари фаолият юритмоқда. Жамоамиз меҳнати муносиб рағбатлантирилиб, ғолиб бўлганимиздан хурсандмиз.

Тадбирда фуқаролар йиғинлари, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, тиббиёт муассасалари, корхона ва муассасалар, қўшма корхоналар, ҳарбий қисмлардаги энг намунали бошланғич хотин-қизлар ташкилоти номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

– Бошланғич ташкилотимиз қошида фаолият олиб бораётган "Иқтидорли қизлар", "Зулфияхоним қизлари" клублари, "Ораста қизлар" тўгараги, "Зеболар баҳси" кўрик-танловлари ўқувчи-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган, – дейди Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Ёқутхон Ҳакимова. – Коллежимизда бошланғич ташкилотлар фаолияти икки йўналишда, яъни ўқитувчилар ва ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бўйича ташкил этилган. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш бўйича кўплаб тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Қизларни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Азима ҚИЁСОВА

МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ БОШЛАНДИ

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта тайёргарлик кўрилди. Сайлов участкаларида сайловчиларга овоз бериш учун барча қулай шарт-шароит яратилган.

Миллий сайлов қонунчилигимизда мамлакатимиз фуқароларининг сайлов билан боғлиқ ҳуқуқлари кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгалиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги қонун билан кафолатланиши Бош қомусимизда мустаҳкамланган. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга.

Бу тамойиллар "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунда ҳам ўз ифодасини топган. Қонунда сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганда бошланади ва сайловга бир кун қолганида тўхтатилади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида участка сайлов комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо чекади.

Сайлов варақаси махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссиясида қолдиради. Конвертнинг елимланган жойига участка сайлов комиссияси икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва сайловчининг имзоси билан тасдиқланади.

Қонуннинг ушбу талаблари асосида мамлакатимизнинг барча сайлов округларида муддатидан олдин овоз бериш тартиби белгиланди. Масалан, 14-Тошкент шаҳар сайлов округининг 2016 йил 18 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 31-моддасига кўра муддатидан олдин овоз бериш вақтини белгилаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Унга кўра, 2016 йил 24 ноябрдан 2 декабргача Тошкент шаҳрида сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз бериши белгиланган. Овоз бериш белгиланган кунларда соат 9.00 дан 18.00 га қадар ўтказилади.

Шунга кўра, 24 ноябрь куни пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган 34-сайлов участкасида айрим фуқаролар муддатидан олдин овоз берди.

– Президент сайлови – Ватанимиз ҳаётида муҳим ўрин тутадиган сиёсий воқеа ҳисобланади, – дейди ЎзА мухбирига Владимир Ивашенко. – Чунки мамлакатимизнинг, халқимизнинг эртанги куни, келажаги сайловда биз танлаб овоз берадиган номзодга кўп жиҳатдан боғлиқ. Фуқароларнинг сайловда иштирок этиши учун барча шарт-шароитлар яратилгани, ҳатто муддатидан олдин овоз бериш учун имконият мавжудлиги сайловга оид қонунларимиз, сайлов тизимимизнинг ҳар жиҳатдан мукаммаллигидан далолат беради. Ана шу имкониятдан фойдаланиб бугун мен ўзим танлаган номзодга овоз бердим.

Н.АБДУРАИМОВА

4 декабрь – сайлов куни

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувдаги нутқи чоп этилмоқда.

Мазкур нутқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

(2-3-саҳифаларга қаранг)

XXI аср садоси — Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганчда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган ҳудудий семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган тадбирда Марказий ҳамда округ сайлов комиссиялари аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси, вилоят адлия бошқармаси масъул ходимларидан иборат экспертлар, участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирок этди.

• Бухоро давлат тиббиёт институтида "Менинг овозим Ватан келажагига дахлдор" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, 3-Бухоро округ сайлов комиссияси ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун ва миллий сайлов қонунчилиги мазмун-моҳияти тарғиботига бағишлаб ўтказилган тадбирда сайловда биринчи марта овоз берадиган ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

• Самарқандда ўтказилган Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар кўрик-танловининг вилоят босқичида юздан зиёд қизлар иштирок этди. Иштирокчилар адабиёт, фан, таълим, санъат ва маданият йўналишларида ўз маҳоратини яна бир бор синовдан ўтказди. Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир йўналиш бўйича уларнинг ижодий ишлари ва чиқиши, танловга тақдим этган материалларига баҳо берди. Барча йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланиб, танловнинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

ЖАҲОНДА

• Канаверал кўрфазидаги космодромда АҚШнинг GOES-R метеорологик сунъий йўлдоши ортилган AtlasV ракетаси учирилди. НАСА ҳамда АҚШнинг океан ва атмосфера муаммолари бўйича миллий бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган ушбу қурилманинг орбитада ишлаш муддати ўн йил бўлиб, ғарбий яримшардаги атмосфера ҳолатини мунтазам кузатиб боради.

• Францияннинг Эвре шаҳрида яшовчи киши ўзига мерос қолган уйнинг турли хоналарида яширилган юз килограмм миқдоридаги олтинни топиб олди. Ўтган асрнинг 50-60 йилларига тегишли бўлган жами 5 мингта олтин танга, иккита 12 килограммлик ва 37 та бир килограммлик ёмбининг умумий қиймати уч ярим миллион евродан иборат бўлиб, ушбу хазинани меросхўр аукционда сотиб юборди.

• Ҳиндистонда пул ислоҳоти ўтказилмоқда. 500 ва 1000 рупия номиналдаги эски банкнотлар муомаладан чиқарилиб, ўрнига янги намунадагилари жорий этилади. Аҳоли маблағлари янги намунада чиқарилган 500 ва 2000 рупиялик пулларга алмаштирилмоқда. Яқин ой ичида эса янги намунадаги 50 ва 100 рупиялик банкнотлар чиқарилиши ҳам режалаштирилган.

Сайлов – 2016

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 24 ноябрь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили А.Ҳожибоев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан маъруза қилди.

Тошкент шаҳри замонавий қиёфаси, йирик саноат корхоналари, муҳташам иншоотлари, илм-фан марказлари, сўлим боғ ва хиёбонлари билан дунёга машҳур. Тошкент мамлакатимизнинг асосий интеллектуал маркази, халқимизнинг фахри ҳисобланади. Пойтахтимизда 39 олий ўқув юрти, 47 илмий-тадқиқот муассаса ва марказлари фаолият кўрсатмоқда. 11 театр, концерт заллари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ишлаб турибди. "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, Маърифат маркази ва бошқа кўплаб иншоотлар шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди.

Номзоднинг дастурида мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янги босқичга кўтаришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Саноатни диверсификация ва модернизация қилиш ҳисобидан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, маҳаллий бюджетлар даромадини кўпайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби муҳим масалалар қамраб олинган.

Учрашувда иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар пойтахтимиз салоҳиятини юксалтириш, аҳоли ҳаёт фаровонлигини муттасил оширишда асосий омил бўлаётгани таъкидланди. Пойтахтимизда тиббий ва коммунал, транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, аҳолининг маданий дам олиши учун кенг шароитлар яратиш, аҳолини шинам ва арзон уй-жойлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Учрашув видеоконференция шаклида ўтказилди. Пойтахтимизнинг барча туманларидан сайловчилар номзоднинг дастури юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Меҳнат фахрийси Т.Даминов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Г.Мельникова, Олмазор туманидаги "Гузарбоши" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Эргашев, Қозоқ миллий маданият маркази фаоли Р.Қўширбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Э.Шукуров, ФИФА рефериси Р.Эрматов, Мирзо Улуғбек туманидаги "Катта Қорасув" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Н.Жабборова, Олмазор туманидаги "Ачаобод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Ҳикматов, Тошкент шаҳар "Камалак" болалар ташкилоти раиси Б.Мирзаев ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган беқиёс ўзгаришлар пойтахтимиз мисолида ҳам яққол ифодасини топаётганини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам юртдошлар!

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Авваламбор, сиз, азизлар билан бугунги самимий вазиятда учрашиб, дийдор кўришиб турганимдан хурсанд эканимни билдирмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизлар орқали бутун пойтахтимиз аҳлига ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳозиргина ҳаммамиз учун азиз ва қадрли бўлган Биринчи Президентимиз, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримовни эслаб, у кишининг хотирасига ҳурмат бажо келтирдик. Албатта, дунё миқёсида тан олинган буюк давлат ва сиёсат арбоби, улуғ Юртбошимизнинг вафоти бутун халқимиз учун ўрнини тўлдириб бўлмайдиган оғир жудолик бўлди. Бу аччиқ мусибатни бутун халқимиз, жумладан, азиз устозимиз улкан меҳр қўйган Тошкент шаҳри аҳолиси қандай катта дард ва изтироб билан қалбидан, юрагидан ўтказганини сўз билан ифода этишнинг ўзи қийин.

Биринчи Президентимизнинг хотирасини Тошкент шаҳри бошқа жойлардан кўра кўпроқ эсга солади. Чунки бу улуғ инсон ўз ҳаётининг энг фаол, энг жўшқин даврини, талабаликдан бошлаб то давлат раҳбари лавозимигача бўлган даврини айни шу азим шаҳарда ўтказди. Ўзининг мислсиз куч-ғайрати, ноёб билим ва тафаккурини бутун Ўзбекистонимиз ҳудудлари қатори пойтахтимизга ва унинг ривожига бағишлади.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич Тошкентни Ватанимизнинг юраги ва олтин остонаси, деб таърифлаган эдилар. У кишининг **“Тошкент тимсолида Ўзбекистонни, Ўзбекистон тимсолида Тошкентни кўрамиз”,** деган сўзлари ҳаммамизнинг қалбимизга сингиб кетган. Юртбошимиз раҳбарлигида амалга оширилган ишларни санайдиган бўлсак, рўйхатнинг охири бўлмайди. Битта эмас, ўнта “Тошкентнома” ёзишга тўғри келади.

“Тошкент – Шарқ дарвозаси”, “Тошкент – тинчлик ва дўстлик шаҳри”, деган таърифлар ёнига кейинги йилларда “Тошкент – Ислом маданияти пойтахти”, “Тошкент – яшаш учун энг қулай шаҳар” деган эътирофлар қўшилди. Буни наинки халқимиз, айни вақтда дунё аҳли ҳам тан олмоқда.

Биринчи Президентимизнинг Ватанимиз ва халқимиз олдидаги ана шундай тарихий хизматларини доимо ёдимизда сақлаш **бизнинг барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.** Бу улуғ зотнинг хотирасини абадийлаштириш, жумладан, пойтахтимиз Тошкент шаҳри марказида улкан майдон барпо этиб, муҳтарам Ислом Абдуғаниевичнинг улуғвор ҳайкалини ўрнатиш ҳақида бугунги кунда минглаб ватандошларимиз, кенг жамоатчилик томонидан кўплаб мурожаат ва таклифлар келиб тушмоқда. Ишончим комил, бу таклифларни сизлар ҳам албатта қўллаб-қувватлайсизлар.

Азиз дўстлар!

Дунёда тараққиётнинг “ўзбек модели” деб тан олинган стратегик тараққиёт йўлини оғишмасдан, қатъият билан давом эттириш ва янги, янада юксак босқичга кўтариш менинг сайловолди дастуримнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Мамлакатимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида сайловчилар вакиллари билан бўлаётган учрашувларда мен бир ҳақиқатга яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қиляпман:

Ўзбекистонда олиб борилаётган, ҳаёт синовидан ўтган сиёсатни, бизни мана шундай эркин ва фаровон кунларга олиб келган йўлни эл-юртимиз миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган, ҳар томонлама маъқул йўл деб топмоқда.

Олдимизда турган бўлғуси сайловларда халқимиз эркин овоз бериш, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш орқали ўзининг эртанги куни, мамлакатимизнинг келгуси ривожланиш йўлини яна бир бор аниқлаб, тасдиқлаб олади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сайловни Конституциямиз ва миллий қонун нормаларига, халқаро андозаларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказишимиз қандай катта аҳамиятга эга экани ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ўта муҳим бу сиёсий жараёнда кўпмиллатли пойтахт аҳли халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти, гражданлик позицияси тобора юксалиб бораётганини дунё ҳамжамиятига намоён этишда бошқаларга ўрнак ва намуна бўлади, деб ишонаман.

Қадрли ватандошлар!

Тошкент шаҳри 2200 йилдан зиёд кўҳна тарихга эга бўлган улуғ ва азим шаҳардир. Бу муқаддас замин Шайх Ҳовайди Тоҳур, Шайх Зайниддин бобо, Қаффол Шоший, Иброҳим ота, Кўйлиқ ота каби кўплаб азиз-авлиёларга бешик бўлган. Бадриддин Чочий, Зайниддин Восифий, Шарофиддин ибн Юсуф Илоқий, Исоқ Шоший, Муҳаммад Ҳайдар каби аллома ва шоирлар шу юртда таваллуд топганлар.

Ўтган аср бошларида бутун Туркистон ўлкасини қамраб олган жадидчилик ҳаракатининг маркази ҳам айнан Тошкент шаҳри эди. Бу ҳаракатнинг кўзга кўринган намояндалари Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Таваллo, Убайдулла Хўжаев, Ғози Юнус, Ғулом Зафарий, Хуршид каби зиёлилар ўзларининг эзгу ғоялари, маърифий асарлари билан тарихимизда ўчмас из қолдирдилар. Айниқса, буюк адибимиз, ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирий бадиий даҳоси билан яратилган етук асарлар миллий ўзлигимизни англашда бугун ҳам беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Барчамизнинг маънавий камол топишимизда Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Саид Аҳмад, Миркарим Осим, Шуҳрат, Ҳамид Ғулом, Озод Шарафиддинов, Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов каби ўнлаб шоир ва адибларимизнинг – Оллоҳ уларни раҳмат қилсин – улуғ хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эслаймиз. Бугунги кунда Шукрулло, Иброҳим Ғафуров, Тоҳир Малик, Хуршид Дўстмуҳаммад, Умида Абдуазимова, Эркин Усмонов, Шуҳрат Ризаев каби устоз ижодкорлар сафига янги-янги истеъдод эгалари келиб қўшилмоқда.

Замонавий ўзбек илм-фани тарихи ва тараққиётини албатта Тошкент шаҳрисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳақда гапирганда, Ўзбекистон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган Обид Содиқов, Ғани Мавлонов, Собир Юнусов, Обид Акромхўжаев, Содиқ Азимов, Шокир Алимов, Яҳё Ғуломов, Малик Набиев, Эргаш Фозилов, Турсун Азларов, Улуғ Ғуломов, Тўрабек Долимов, Ўткир Исломов, Тўхтапўлат Рисқиев каби кўплаб марҳум академикларимизнинг номларини – барчасининг охирати обод бўлсин – чуқур ҳурмат билан эсга оламиз.

Бугунги кунда Тошкент йирик илмий ва маданий марказ, том маънода маърифат ва маънавият, ёшлар ва талабалар шаҳри ҳисобланади. Бу ерда Ўзбекистон Фанлар академияси ва 47 та илмий-тадқиқот институти, илмий марказлар, 39 та олий ўқув юрти мавжуд.

Шу билан бирга, хорижий давлатлардаги юқори нуфузга эга бўлган университет ва институтларнинг 7 та филиали борлигини алоҳида таъкидлаш лозим. В.Успенский, Р.Глиэр номидаги машҳур мусиқа мактаблари, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Алишер Навоий номидаги миллий кутубхона фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент шаҳрининг неча юзлаб фан докторлари, профессорлари илм-фан ва таълим даргоҳларида фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ана шундай илм-фан фидойилари – Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Шавкат Солиҳов, академиклар Оқил Салимов, Нусрат Парпиев, Азиз Қаюмов, Турғунпўлат Даминов, Шавкат Каримов, Сайёра Рашидова, Раъно Убайдуллаева, Абдумавлон Абдуллаев, Машҳура Мавлоний, Шавкат Аюпов, Шомансур Саъдуллаев, Шавкат Алимов ҳамда таниқли профессорлар Шуҳрат Эгамбердиев, Ғафуржон Муҳамедов, Наим Каримов, Аббосхон Тўраев каби ўнлаб, юзлаб олимларимиз ўзларининг илмий изланишлари, давлат ва жамоат ишларидаги фидойиликлари билан катта обрў-эътибор қозонганлар.

Айнан мана шундай атоқли олимларимиз ва уларнинг юзлаб издошлари яратган муҳит туфайли пойтахтимизнинг илмий салоҳияти тобора юксалиб бормоқда.

Ўзим ҳам шу соҳага дахлдор инсон сифатида олим зотининг нони қанчалик қаттиқ, уларнинг меҳнати игна билан қудуқ қазишдек машаққатли эканини яхши биламан. Шунинг учун илм йўлида заҳмат чекаётган барча инсонларни мен ўзимга яқин оламан, уларни жамиятни олға етаклайдиган фидойи инсонлар деб ҳисоблайман.

Шу сабабли менинг дастуримда интеллектуал соҳа аҳлининг меҳнатини қадрлаш, уларнинг изланишларини рўёбга чиқариш учун зарур шароит яратиб бериш масаласи етакчи ўрин эгаллайди.

Тошкент шаҳрида ўзининг ҳалол меҳнати, бетакрор истеъдод ва маҳорати билан эл-юртимиз ўртасида юксак ҳурмат топган юртдошларимиз ҳақида гапирганда, аввало, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, моҳир шифокорлар Малика Абдуллахўжаева, Холиджон Комилов, Зайниддин Низомхўжаев, Равшанбек Қурбонов, заҳматкаш педагоглар Турғун Азларов, Мавлуда Исматова, машҳур навоийшунос олима Суйима Ғаниева, маҳалла жонкуяри Холхўжа Умаров, чилангар уста Эркин Алимуҳамедов, қурувчи Тоир Дадахоновнинг номларини эҳтиром билан тилга оламиз.

Гўзал шаҳримизнинг обод ва кўркам бўлишида, унинг иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари ривож топишида ўзининг катта ҳиссасини қўшган азиз ва мўътабар отахону онахонларимиз ҳамиша бизларга ишончли таянч, куч-қувват, мададкор ва маслаҳатгўй бўлиб келмоқдалар.

Бу ҳақда гапирганда, Шуҳрат Усмонов, Муҳамаджон Зуфаров, Мадамин Ҳасанов, Шуҳрат Жалилов, Исмоил Жўрабеков, Азиз Тўраев, Абдукарим Усмонхўжаев, Ботир Тошхўжаев, Хатима Шайхова, Галина Мельникова, Хосият Ёқубжонова, Муборак Юнусхўжаева, Дилбар Ғуломова каби инсонларнинг номларини тилга олиб, уларга, барча нуронийларимизга чексиз раҳматлар айтамиз.

Тошкент миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг қадимий ва замонавий бешикларидан бири сифатида ҳам барчамиз учун азиз ва қадрлидир. Буюк санъаткорлар – Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Юнус Ражабий, Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов, Карим Зокиров, Қудрат Хўжаев, Ғани Аъзамов, Зикир Муҳаммаджонов, Ботир Зокиров, Эргаш Каримов каби ўнлаб, юзлаб истеъдод соҳиблари маданиятимиз тарихида ёрқин из қолдирганини барчамиз яхши биламиз.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқ артистлари – Пўлат Саидқосимов, Рихсихон Иброҳимова, Яйра Абдуллаева, Элёр Носиров, Афзал Рафиқов, Гулчеҳра Жамилова, Фарруҳ Зокиров, Ғуломжон Ёқубов, Малика Иброҳимова, Хайрулла ва Ёдгор Саъдиевлар, Лутфулла Саъдуллаев, Исмоил Жалилов, Дилбар Икромова, Гавҳар Зокирова, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий, таниқли кинорежиссёр Зулфиқор Мусоқов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар – Маҳмуд Исмоилов, Ҳожиакбар Комилов, Гулчеҳра Саъдуллаева, Фатҳулла Маъсудов, Абдураим Абдуваҳобов, Абдулла Шомағрупов, Рашид Холиқов, Тоҳир Содиқов каби истеъдод соҳиблари фаол ижод қилиб келмоқда.

Ўзбек замонавий тасвирий санъати ривожига Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Аҳмаров, Малик Набиев, Ўрол Тансиқбоев, Раҳим Аҳмедов, Жалолиддин Миртожиев каби марҳум санъат усталари буюк ҳисса қўшдилар. Атоқли рассом ва ҳайкалтарошларимиз Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Владимир Бурмакин, Илҳом Жабборов, Акмал Икромжонов, машҳур халқ устаси Ортиқ Файзуллаевларнинг ижоди ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак, арзийди.

Тошкент ўзбек спортининг энг ёрқин намояндалари учун тажриба ва маҳорат мактаби, парвоз майдони бўлиб келаётганини ҳамиша миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Катта спорт оламига илк қадамини айнан шу заминдан бошлаган Бироддар Абдураимов, Тўлаган Исҳоқов, Миржалол Қосимов, Рустам Қосимжонов, Равшан Эрматов, Армен Багдасаров, Оксана Чусовитина, Ирода Тўлаганова каби юртдошларимизнинг номларини барча спорт мухлислари яхши биладилар.

Бугунги кунда йирик халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Екатерина Хилько, Антон Фокин, Светлана Радзивил, Алексей Мочалов, Самира Амирова, Нигора Турсунқулова каби спортчиларимизнинг номларини алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз.

Шу йил Бразилияда ўтказилган Олимпиада ва 15-Паралимпия ўйинларида Рустам Тўлаганов, Александр Свечников, Дониёр Солиев, Дмитрий Хорлин медалларни қўлга киритиб, ҳақиқий жасорат ва матонат кўрсатдилар.

Имкониятдан фойдаланиб, бугунги учрашувимизнинг барча қатнашчиларига ва пойтахтимиз аҳолисига фидокорона меҳнатингиз, пойтахтимиз қиёфасини ўзгартиришга қўшаётган улкан ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдираман. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва оилавий бахт-саодат тилайман!

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Тошкент халқи ўзининг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги билан бутун дунёда ном қозонган. Ўз даврида бу ҳақда “Тошкент – нон шаҳри” деган китоб ва фильм яратилгани ҳам бунинг тасдиғидир. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушида фронт минтақаларидан кўчириб келтирилган турли миллатга мансуб минг-минглаб етим болалар, аёллар ва кексаларни ўз бағрига олиб, бир бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрган тошкентликлар инсонийликнинг юксак намунасини бутун оламга намоён этдилар.

Бугунги кунда пойтахтимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Тошкент миллати, тили ва динидан қатъи назар, уларнинг барчаси учун ҳақиқий Ватанга айланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Эл-юртимиз ўзининг самарали меҳнати билан ҳурмат топган Республика Байналмилал маркази директорининг ўринбосари Сергей Миронов, Сенат аъзоси Агрепина Шин, Қозоқ миллий маданият маркази раиси ўринбосари Ҳамза Холмуратов, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг проректори Ришод Набиуллин, Озарбайжон миллий маданият маркази раиси Мобил Якуб ўғли Мамедов, Арман миллий маданият маркази раиси Мартин Сетян, Тошкент давлат шарқшунослик институти кафедра мудири Жумали Шабанов, Тошкент шаҳар поляк маданий марказининг раиси Елена Кондратьенко каби ажойиб инсонларнинг ижтимоий фаолиятини юксак баҳолайди.

Азиз ватандошлар!

Мана, қирқ йилдирки, менинг ҳаётим ва фаолиятим жонажон Тошкент шаҳри билан боғлиқ ҳолда кечмоқда.

Айни шу азим шаҳарда олий таълим олдим, туз-насиба топиб, оилали бўлдим, фарзандлар, набиралар кўрдим, минг-минглаб дўсту биродарлар, маслакдошлар орттирдим.

Қанча-қанча улуғ инсонлар билан мулоқотда бўлиш, биргаликда ишлаш бахти насиб этди. Қаерда, қайси вазифада ишламайин, пойтахт аҳлининг самимий муносабати, меҳр-оқибатини, қўллаб-қувватлашини доимо ҳис қилиб келаман ва бунинг учун яна бир бор барчангизга миннатдорчилик билдираман.

Гўзал пойтахтимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ишларда менинг ҳам камтарин ҳиссам борлигидан ҳамиша фахрланиб юраман.

Қадрли дўстлар!

Тошкент шаҳрининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини ҳаммамиз яхши биламиз. Пойтахтимиз барча соҳаларда бўлгани каби замонавий корхоналар ташкил қилиш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни, илғор усулларни жорий этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам ўрнак ва намуна бўлиб келмоқда.

Юқорида айтиб ўтганимдек, бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 16 фоиздан ортиғи, инвестицияларнинг 18 фоиздан, саноат маҳсулотларининг 20 фоиздан зиёди Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда.

Охирги беш йилда бу ерда ялпи ҳудудий маҳсулот 1,7 баробар, жумладан, саноат маҳсулотлари 2 марта, қурилиш ишлари ҳажми 2 каррадан зиёд ўсгани пойтахтимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Бугун биз эришилган ана шундай ютуқларни эътироф этган ҳолда, энг аввало, Тошкент шаҳри иқтисодиёти ва аҳолиси олдида турган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Тошкент шаҳрини келгуси беш йилда ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган иқтисодий дастурда, биринчи галда, ривожланган мегаполисларга хос бўлган, юқори технологияга асосланган, дунё бозорида рақобатдош саноат маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш, замонавий хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ва ахборот инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобидан иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш назарда тутилган.

Бу борада **янги иш ўринларини** яратиш энг устувор вазифамиз бўлиб қолади. Ҳисоб-китобларга кўра, Тошкент шаҳрида коллежлар, академик лицейлар, олий таълим муассасалари битирувчилари ва ишга муҳтож аҳоли учун муносиб иш ҳақи тўланадиган қарийб 80 минг янги иш ўринлари ташкил этишимиз лозим. Ушбу вазифани бажариш учун қуйидаги муҳим чора-тадбирларни амалга оширишимиз зарур.

Биринчидан, биз электротехника, машинасозлик, қурилиш-пудрат ташкилотлари, медицина хизматларини кўрсатиш соҳаларида фаолият юритаётган **кичик бизнес корхоналари учун янги рағбатлантирувчи асослар яратамиз.**

Шу борада бундай корхоналарда мавжуд имтиёзлардан фойдаланиш учун ходимларнинг йиллик сонини 120 тадан 240 кишигача оширишга имкон берадиган Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилади. Бунинг натижасида ушбу тармоқларда жами 15 мингга яқин янги иш ўринлари ташкил қилинади, йиллик 1 триллион 600 миллиард сўмдан ортиқ қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ва хизматлар кўрсатилади.

Иккинчидан, маълумки, Тошкент шаҳрида банк ва молия институтларининг марказий идоралари фаолият юритади. Бинобарин, бу ерда **банк хизматларининг турлари ва сифати бўйича ҳали ишга солинмаган катта имкониятлар мавжуд.**

Шу сабабдан **тижорат банклари томонидан тадбиркорларга арзон фоизли кредитлар бериш** орқали уларнинг лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмини кўпайтириш ҳисобидан қанча-қанча янги иш ўринлари яратиш мумкин. Мисол учун, Тошкент шаҳрида 22 та тижорат банки ва уларнинг 123 та филиаллари фаолият юритмоқда. Уларда 38 мингдан ортиқ мижозларга хизмат кўрсатилмоқда.

Агар тижорат банкларининг ҳар бир мижози томонидан қўшимча равишда камида 3 тадан иш жойи яратилса, Тошкент шаҳри бўйича қўшимча тарзда 114 мингта иш ўринлари яратилади.

Шу боис тижорат банклари томонидан 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун қарийб 1 триллион 208 миллиард сўмлик, йиллик 9-10 фоизли имтиёзли ставкада микрокредитлар бериш дастури ишлаб чиқилади.

Учинчидан, тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш бўйича қабул қилинган ҳужжатлар, ўйлайманки, барчангизга яхши маълум.

Мамлакатимиз тадбиркорлари режадан ташқари ва муқобил текширишларнинг бекор қилинишини, бизнес юритиш учун дадил, қўрқмасдан шахсий маблағларини ишлатиш ёки мулкини гаровга қўйиш, иш ўринлари ташкил этиш, ўз оилалари ва ишчиларини даромад билан таъминлаш имконини берадиган янги қонуний нормаларни катта хурсандчилик билан қабул қилишди.

Бироқ, қабул қилинган бу нормаларнинг амалиётга тўлиқ татбиқ этилиши бизнинг асосий вазифамиз бўлиши зарур. Давлат ва назорат қилувчи органларнинг ҳар бир раҳбари ўз идораси ҳамда ходимлари томонидан тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилиши учун шахсан жавобгар бўлиши лозим. Тадбиркорларнинг ишончини суиистеъмол қилишга бизнинг ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ.

Бизнинг бош вазифамиз – тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлашдир. Бизнес билан шуғулланаётган ҳар бир кишида давлат томонидан қўллаб-қувватланишига қатъий ишонч бўлиши шарт. Одамлар бизнес билан шуғулланишдан манфаатдор бўлиши зарур. Тадбиркор ва халқ бой бўлса – мамлакат ҳам бой бўлади.

Тўртинчидан, ўтган йили электрон тизимлардан фойдаланган ҳолда бизнес учун 16 турдаги давлат хизматларини “ягона ойна” тизими орқали амалга ошириш ташкил қилинган эди. Бу бизнес учун сезиларли енгилликлар туғдириб, тадбиркорларни маълумотнома ва рухсат берувчи ҳужжатлар олиш учун **амалдорлар кабинетларига ойлаб қатнаб, хонама-хона юришлардан озод қилди.**

Шу сабабдан, 2017 йилда соддалаштирилган “ягона ойна” тизими орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари турлари 30 тагача кўпайтирилади. Бунда, ушбу жараёнларни амалда татбиқ этилиши бўйича назоратни кучайтириб, уларни бажармаганлик учун маъмурий жазолаш нормаларини киритамиз.

Бешинчидан, Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги Зарқайнар маҳалласи кўчаларида дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларидаги каби, хусусий тадбиркорларнинг фаолияти ва миллий меъморчилик намуналари асосида “Эски Тошкент” номли тарихий-маданий ва дам олиш марказини ташкил этамиз.

Бу, бир томондан, шу ҳудудда яшайдиган аҳоли учун ўз бизнесини ташкил қилишга ва янги иш ўринларини яратишга имкон беради. Иккинчи томондан, чет эллик меҳмонлар орасида бизнинг анъана ва урф-одатларимизни тарғиб этишга хизмат қилади.

Ушбу марказдаги объектларнинг қурилиши хусусий тадбиркорлар томонидан Миллий банкнинг имтиёзли кредитларини жалб қилган ҳолда молиялаштирилади.

Олтинчидан, 2017 йилда биз тадбиркорлар ва тижорат банкларининг жами 1 миллиард долларгача бўлган маблағлари ҳисобига “Ўқчи Олмазор” массивида умумий майдони 70 гектар бўлган “Тошкент Сити” ишбилармонлик ҳудудини босқичма-босқич қурилишини бошлаймиз.

Еттинчидан, барчамизга маълумки, Тошкент шаҳри юқори илмий салоҳиятга эга. Бироқ, ҳар йили ўтказиладиган инновация ярмаркалари туфайли илмий тадқиқотлар натижалари маълум бир даражада йирик саноат корхоналари томонидан фойдаланилса-да, кичик бизнес корхоналари томонидан деярли татбиқ этилмайди.

Биз, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни тадбиркорлик фаолияти билан бирлаштириш имкониятини берувчи амалий механизмни ташкил этишимиз лозим. Бу эса, бир томондан, инновацион бизнесни ривожлантиришга имконият яратса, иккинчи томондан, илмий тадқиқотларнинг самарасини ошириш учун инвестициялар оқимини кўпайтиришни таъминлайди.

Шу муносабат билан Яшнобод ва Олмазор туманларида кичик бизнеснинг инновацион технопарклари ташкил этилади ва қиймати 102 миллиард сўм бўлган 285 та инновацион лойиҳа амалга оширилади. Натижада ташқи ва ички бозорда харидоргир бўлган 38 турдаги мутлақо янги маҳсулот ўзлаштирилади ва 6 минг 500 та янги иш ўрни яратилади.

Юқорида қайд этилган таклифлар ва ташаббуслар билан биргаликда Тошкент шаҳрида келгуси беш йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида қиймати 2 триллион сўмдан ошиқ ва 156 миллион долларлик жами 281 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Жумладан:

– Бектемир туманида Универсал банк ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан **қиймати 20 миллион доллар бўлган,** йилига 1500 та юк ташиш вагонларини қайта таъмирлаш лойиҳаси амалга оширилади;

– Сирғали туманида “Асакабанк” ва “Ўзбекозиқовқатхолдинг” компанияси томонидан “Грин Ворлд” қўшма корхонасида йилига 25 миллион дона қадоқланган мева шарбатлари ишлаб чиқариш лойиҳаси йўлга қўйилади;

– Миробод туманида Миллий банк ва “Ўзфармсаноат” концерни томонидан “Нано Медик” корхонасида йилига 450 минг дона 9 турдаги дори воситаларини ишлаб чиқариш ташкил этилади;

– Шайхонтоҳур туманида “Капиталбанк” ва “Ўзэлтехсаноат” компанияси томонидан “Нур инвест технология” корхонасида 2 миллион дона энергия тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади.

Шулар қаторида бошқа туманларда ҳам жами қиймати 4,8 триллион сўмлик 1650 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш назарда тутилмоқда. Бунинг натижасида 48 мингта янги иш ўрни ташкил этилади. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банклари, тармоқ корхоналар раҳбарлари ва туман ҳокимларидан ташаббускорлик ва ташкилотчилик талаб қилинади.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги шиддатли глобаллашув замонида **барча турдаги инфратузилма тармоқларини ривожлантириш** ва уларни жаҳон талаблари даражасига яқинлаштириш келгуси йилларда иқтисодий дастурларни амалга оширишда жуда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, бизнинг энг муҳим вазифамиз – одамларнинг бунёдкорона меҳнати, ҳаёт таъминоти ва дам олиши учун қулай ва муносиб шарт-шароитлар яратишдан иборат. Шу муносабат билан сизларни жорий ва истиқболдаги режаларимиздан хабардор қилмоқчиман.

Биринчи – кўп қаватли янги ва шинам уй-жойларни барпо этиш масалалари.

Шаҳарнинг бош режасига асосан, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида, 290 минг одам ёки 86 минг оила учун умумий ҳажми 8 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган янги кўп қаватли уйлар барпо этилади.

Бу жараён нафақат моддий жиҳатдан етарлича таъминланган одамлар, балки аҳолининг ўрта тоифаси учун ҳам мўлжалланиши зарур.

Яна бир масала – бу эскирган уй-жойлар муаммоси. Ҳисоб-китобларга кўра, пойтахтимизда 76 мингга яқин хонадон 60 йил аввал қурилган ва яшаш учун хатарли бўлган эски уйларда ҳаёт кечирмоқда.

Айнан шу боис биз бу борада мутлақо янги дастурни амалга ошириш бўйича, яъни 7 ва 9 қаватли, кўп хонадонли арзон уй-жойлар қуриш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Даромади юқори бўлмаган, шунингдек, эски уйларда яшаётган оилалар имтиёзли ипотека кредитлари ва солиқ имтиёзлари асосида бундай уйлардан квартира харид қилиш имкониятига эга бўлади.

Хусусан, дастлабки босқичда ушбу мақсадларга келгуси 5 йилда жами 2,5 триллион сўм маблағ йўналтирилади. Жумладан, 1,8 триллион сўм банкларнинг имтиёзли кредитлари ва 615 миллиард сўм аҳолининг бошланғич бадаллари ҳисобига шакллантирилади. Бунинг эвазига 32 минг хонадондан иборат бўлган 500 та кўп қаватли уй барпо этилади.

Бундан ташқари, яқин 5 йил ичида шаҳарнинг ҳар бир туманида 20 тадан, **жами 200 та кўп қаватли уй барпо этилади.**

Турар-жой мавзеларини қуришда уларнинг барча ижтимоий инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик тармоқлари билан таъминланиши, уйларнинг атрофини обод қилиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга янги қуриладиган аҳоли мавзеларига яқин жойларда хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Масалан, Бектемир туманида яқин 5 йил ичида 20 та кўп қаватли уй янгидан қурилиб, жами 4 мингдан ортиқ аҳоли замонавий уй-жой билан таъминланади. Ушбу кўп қаватли уйлар Ҳусайн Бойқаро кўчаси ҳамда “Бинокор” ва “Сувсоз” даҳалари бўйлаб барпо этилиши мўлжалланмоқда.

Яшнобод туманидаги Тараққиёт кўчасида 70 дан ортиқ кўп қаватли уйлар, савдо-кўнгилочар марказлари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари қурилиши яқин кунларда бошланади.

Мирзо Улуғбек туманида 60 дан ортиқ кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Бу ерда 20 минг 600 дан ортиқ аҳоли замонавий уй-жой билан таъминланади.

Кейинги масала – уй-жой фондидан самарали фойдаланиш.

Шаҳарда уй-жой фонди янада кенгайишини эътиборга олсак, уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлаш, таъмирлаш ва фойдаланиш ишларининг тизимли равишда олиб борилишини таъминлаш юзасидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини мувофиқлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Афсуски, маҳаллий ҳокимликларнинг бу масаладаги ўрни ва масъулияти замон талабига жавоб бермайди. Ана шу муаммоларни ечиш учун ширкатлар томонидан фойдаланиш йиғимлари ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан жами 338 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Кўп қаватли уйларни таъмирлаш ва улар ҳудудини ободонлаштириш ишларини самарали йўлга қўйиш учун 2017-2021 йилларга мўлжалланган режа ишлаб чиқиш зарур. Мазкур дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Марказий банк, республика тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига йилига 200 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиш кўзда тутилмоқда.

Айтиш жоизки, 2016 йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун ширкатларга **155 миллиард сўм** миқдорида кредит ажратилган.

Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техник базасини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда молиявий ҳолатини соғломлаштириш мақсадида фаолият юритаётган 2 минг 375 та уй-жой мулкдорлари ширкатини келгуси 5 йилда барча солиқ ва мажбурий тўловлардан озод қилиш мўлжалланмоқда.

Иқтисод қилинган маблағлар кўп қаватли уй-жойларнинг умумий фойдаланишда бўлган майдонларини таъмирлашга йўналтирилиши лозим.

Бундан ташқари, 1 минг 435 та уйнинг 678 тасида лифтларни алмаштириш, 2 минг 300 тасида том қисмлари ва 5 минг 100 тасида подваллар капитал таъмирланади.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, 2021 йилга бориб уй-жой ширкатлари зарур техника ва механизмлар билан жиҳозланган, малакали мутахассисларга эга, аҳолига тезкор сифатли хизмат кўрсатадиган ҳамда молиявий ўзини ўзи таъминлайдиган замонавий сервис корхоналарига айланади.

Иккинчи – муҳандислик-коммунал инфратузилмаси билан боғлиқ долзарб масалалар. Коммунал хизматлар кўрсатишнинг ривожланган тизими – бу жамиятни ривожлантириш кўрсаткичларидан бири бўлиб, аҳолининг кайфиятига кучли таъсир кўрсатадиган соҳадир.

Шаҳар аҳолисини тоза ичимлик суви ва оқова сув хизматлари билан таъминлаш даражасини ошириш мақсадида келгуси 5 йилда 400 дан зиёд мавзе ва маҳаллаларда 318 километр узунликда ичимлик суви ҳамда 450 километр оқова суви тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, 172 та сув насосини алмаштириш лозим.

Иссиқлик таъминоти соҳасидаги муаммоларни ечиш учун ҳар бир туман, мавзе ва уйлар кесимида локал қозонхоналарни ишга тушириш, эскирган тармоқларни янгилаш юзасидан, молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда, 5 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилади.

Бугунги кунда электр тармоқлари ва трансформатор пунктларининг бир маромда ишлаши, яъни, узилишлар ва аварияларнинг олдини олиш айниқса долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу борада келгуси 5 йилда паст кучланишдаги электр тармоқларини ва трансформатор пунктларини реконструкция қилиш учун 480 миллиард сўм миқдоридаги 33 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида замонавий электрон ҳисоблагичларни ўрнатиш, электр тармоқларини таъмирлаш ишларини бажариш учун келгуси беш йилда 345 миллиард 800 миллион сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

Газ тармоқлари ва иншоотлари – бу коммунал соҳадаги яна бир муҳим йўналиш сифатида эътиборимиз марказида бўлади.

Бу борада 2017-2021 йилларда табиий газ тармоқлари ва иншоотларини кенгайтириш ҳамда реконструкция қилиш учун “Ўзтрансгаз” компаниясининг 350 миллиард сўм миқдоридаги маблағи ҳисобидан 183 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китобни бугунги талаблар даражасида олиб бориш учун замонавий электрон газ ҳисоблагичларни янгилаш, газ тармоқлари пунктларини барпо этиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун келгуси беш йилда 41,3 миллиард сўм маблағ йўналтириш режалаштирилган.

Пойтахтимизнинг **экологик ва санитария муҳитини** яхшилаш учун чиқиндиларни йиғиш ва уларни зарарсизлантириш билан боғлиқ масалалар алоҳида аҳамият касб этади.

Бу борада шаҳар миқёсида яқин 5 йил ичида жами 117,3 миллиард сўм давлат ва маҳаллий бюджет ҳамда хорижий молиявий институтлар ҳисобидан маблағ ажратган ҳолда, 92 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Энг аввало, 2018 йилда Осиё тарраққиёт банкининг 17,8 миллион доллар ҳамда “Махсустранс” корхонаси маблағлари ҳисобидан Тошкент вилояти, Оҳангарон ҳудудида замонавий талабларга жавоб берадиган 30 гектар янги санитария полигони қурилиши режалаштирилган.

Шунингдек, туманларда чиқинди йиғиш ва ташиш учун 332 та махсус транспортни ҳамда чиқинди қутиларини харид қилиш, майдончаларни реконструкция қилиш ва қуриш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилган.

Шу кунларда Ҳукумат томонидан мамлакатимизда санитария ҳолатини яхшилашга доир ишларни ташкил этиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 2-бетда)

Учинчи йўналиш – маҳаллий йўлларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари. Ҳовли-жойларни, хонадон остонасини озода ва обод сақлаш миллий урф-одатларимизнинг ажралмас қисми бўлиб, биз учун катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу аҳолимизнинг барчаси амал қиладиган кундалик жараёндир.

Шаҳар миқёсида яқин 5 йил ичида мавзелар ва маҳаллаларни ободонлаштириш юзасидан 395 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 284 километр ички йўллар янгиланади, аҳоли маданий дам оладиган боғ ва хиёбонлар ташкил этилади, ирригация тизимлари реконструкция қилинади. Шу билан бирга, кенг миқёсда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади.

Тўртинчи – жамоат транспортини ривожлантириш масалалари. Пойтахтимизда жамоат транспортидан фойдаланиш масаласи бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.

Бу борада автобус, метро ва бошқа турдаги жамоат транспортларининг фаолиятини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, келгуси 5 йилда умумий қиймати қарийб 390 миллиард сўм бўлган 4 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шаҳарда серқатнов, тирбанд ҳудудлар бўйича 80 та янги автобус йўналиши ташкил этилади. Ҳар йили катта ва ўрта сиғимдаги 100 та автобус харид қилинади. Бу мақсадларга маҳаллий бюджет ҳисобидан 335 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Енгил автомобиль ҳайдовчиларига қулайлик яратиш мақсадида шаҳарнинг Мирзо Улуғбек, Сирғали ва Яшнобод туманларида 4 та кўп қаватли автогаражларни қуриш ишлари бошлаб юборилди. Шундай гаражларни барпо этиш мақсадида келгуси 5 йилда яна 84 та лойиҳа амалга оширилади.

Мисол учун, Сирғали туманининг "Сирғали-6" мавзесида жойлашган 400 та автомобилга мўлжалланган кўп қаватли автогараж қурилишига жами 7,5 миллиард сўм маблағ сарфланиб, у 2017 йилда ишга туширилади.

Тошкент метроси қурилишини давом эттириш юзасидан 2017-2020 йилларда умумий қиймати 295 миллион доллар давлат бюджети, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан узунлиги 10 километрдан иборат 8 та станцияни ўз ичига олган 2 та лойиҳани ишлаб чиқиш таъминланади.

Шаҳарнинг ҳалқа йўли бўйлаб узунлиги 66,3 километр бўлган темир йўл транспорт воситасини – яъни, электричкани йўлга қўйиш билан боғлиқ лойиҳа амалга оширилади. Бу лойиҳани 2017-2030 йилларда амалга ошириш учун давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан 189 миллион доллар маблағ йўналтирилади.

Тошкент шаҳри аэропортида 2019-2020 йилларда янги халқаро терминал қурилиши амалга оширилади. Бунинг учун давлат бюджети, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан 336 миллион доллар маблағ йўналтирилади.

Бешинчи – йўл ва йўл ўтказгичлар тармоқларини ривожлантириш масалалари.

Сўнгги вақтда янги кенг автомобиль йўллари ва кўприклар, чорраҳалар барпо этилгани пойтахтимиз йўлларида қатновни бир маромда таъминлаш имконини бермоқда.

Биринчи Президентимизнинг бу масалага ҳамиша катта эътибор қаратиб келганликларининг боисини бугун янада чуқур тушуниб етяпмиз. Айни вақтда бу борада вазият мураккаблигича сақланиб келаётганига ҳаммамиз гувоҳ бўляпмиз.

Истиқболда транспорт коммуникация тармоқлари, чорраҳаларни такомиллаштириш, йўлларни қуриш ва реконструкция қилишнинг пухта ўйланган стратегиясини белгилаш билан боғлиқ махсус Ҳукумат қарори тайёрланиши керак, деб ҳисоблайман.

Ушбу ҳужжатда шаҳар аҳолиси учун қулай шароитлар яратиш, тобора кўпайиб бораётган транспорт оқимини оқилона бошқариш, аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш юзасидан келгуси 5 йилда умумий қиймати 1 триллион сўм, узунлиги 529 километр бўлган лойиҳаларни амалга оширишга доир барча ташкилий ва молиялаштириш билан боғлиқ масалалар албатта ўз ечимини топиши керак.

Жумладан, шаҳарда 2017-2018 йилларда республика йўл жамғармаси ҳисобидан умумий қиймати 84 миллиард сўм, узунлиги 32,2 километрдан зиёд бўлган "Кичик ҳалқа йўли" барпо этилиши, реконструкция қилиниши ва таъмирланиши белгиланган.

Яқин беш йилда давлат бюджети ва республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 916 миллиард сўм бўлган 12 та янги кўприк қурилади, умумий фойдаланишдаги 68 километрдан ортиқ йўл қурилади ва реконструкция қилинади.

Ҳозирги вақтда республика йўл жамғармаси ҳисобидан Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманларида Бўзсув канали орқали 400 метр узунликдаги ва 6 та полосали, умумий қиймати 38 миллиард сўм бўлган кўприк қурилиши бошлаб юборилди ва у келгуси йили фойдаланишга топширилади.

Чилонзор туманида Бунёдкор ва Муқимий кўчалари кесишган жойда умумий қиймати 42 миллиард сўм бўлган транспорт боғламасини давлат бюджети ҳисобидан барпо этиш бошланади. Бу иншоот кўприк, пиёдалар ўтиш жойи ва олти полосали замонавий автомагистрални ўз ичига олади.

Сирғали туманида 2017 йилда республика йўл жамғармаси ҳисобидан умумий қиймати 79 миллиард сўм, узунлиги 10 километр бўлган 6 полосали Қипчоқ кўчаси реконструкция қилинади. Бу кўча бўйлаб темир йўл устидан янги кўприк барпо этилиши ҳам кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, 2017 йилда республика йўл жамғармаси ҳисобидан умумий қиймати 42 миллиард сўм, узунлиги 5 километр бўлган 6 полосали лойиҳавий янги кўча барпо этилади.

Олтинчи – ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари.

Интернет тармоқлари ҳаётимизнинг барча йўналишларида, хусусан, замонавий шаҳарларда доимий хизмат кўрсатадиган ажралмас ва зарурий восита сифатида борган сари кенг ўрин эгалламоқда. Шаҳарда кенг форматга эга оптик толали тармоқлар ва ахборот-коммуникация иншоотлари мавжуд бўлиб, улар 772 мингта абонентга хизмат кўрсатмоқда.

Ана шу ишларнинг давоми сифатида сўнгги технологиялар асосида маълумотларни электрон тармоқлар орқали юқори тезликда узатиш, дастурий маҳсулотлар шакллантирилиши билан боғлиқ вазифаларимиз қуйидагилардан иборатдир.

Шаҳар миқёсида 2017-2021 йилларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш юзасидан 383 миллиард 700 миллион сўм миқдоридаги 30 та лойиҳа амалга оширилиши зарур.

Ҳозирги вақтда келгуси йилдан бошлаб шаҳардаги барча кўп қаватли уйлардаги хонадонларда интернетга уланиш, жумладан, телевизор орқали босқичма-босқич кенг полосали форматда уланишга ўтишни таъминлаш ҳақида қарор лойиҳасини тайёрлаш бўйича иш олиб боряпмиз. Янги қуриладиган уйлар эса бундан-буён ҳар бир хонадонга кенг полосали интернет тармоқлари ўтказилган ҳолда фойдаланишга топширилиши шарт.

Мисол учун, биргина Шайхонтоҳур туманида 2017-2018 йилларда соҳанинг ўз маблағлари ҳисобидан 168 миллиард сўм миқдоридаги 4 та лойиҳа жорий этилади.

Хусусан, пойтахтимизнинг Эски шаҳар мавзесида барпо этилаётган 25 та кўп қаватли уй учун 1300 та тармоқ қурилади ва аҳоли юқори сифатли "АЙПИ" телефония технологияси асосида интернет ва алоқа тармоқларига уланади.

"Электрон ҳукумат"ни ташкил этиш дастури доирасида бизнес ва аҳолига электрон тизимлар, шунингдек, «ягона дарча» тизими орқали барча давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилади.

Бундан асосий мақсад – давлат органлари ҳамда ташкилотлари билан симсиз ҳамкорлик қилиш, коммунал хизматлар учун ҳисоб-китобларни олиб бориш, товарлар ва хизматлардан ахборот технологиялари орқали фойдаланишдан иборатдир. Шу борада келгуси 5 йилда "Электрон ҳукумат" тизими учун ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш маркази ташкил этилади.

Ҳурматли дўстлар!

Юртимизга келаётган сайёҳлар, илм-фан, маданият ва бизнес вакиллари пойтахтимизда ўзларини хавф-хатарсиз ҳис этишларини, кўчаларимизда кечаю кундуз бемалол юриш мумкинлигини алоҳида таъкидлайдилар. Бироқ бугун дунёнинг кўплаб минтақаларида юзага келган таҳликали вазият шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларининг хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Шу сабабли биз, **биринчидан,** профилактика инспекторлари институтини мустаҳкамлашга эътибор қаратиб, қуйи бўғин ва участкаларда уларнинг сонини кўпайтириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва шаҳар ички ишлар бошқармаси тизимида тегишли таркибий ўзгаришларни амалга оширамиз.

Иккинчидан, профилактика инспекторларини участкалар, яъни маҳаллалар ҳудудида хизмат квартиралари билан таъминлаймиз. Бу эса инспекторларни ўзларига бириктирилган участкаларга яқинлаштириш, уларнинг фаолияти ва масъулиятини ошириш имконини беради.

Учинчидан, профилактика инспекторларининг тезкор ҳаракат қилишини таъминлаш мақсадида уларга автомашиналар харид қилиш учун 20 йил муддатга имтиёзли истеъмол кредитлари бериш механизми жорий этилади.

Пойтахт аҳолисининг тинч-осуда ҳаётини таъминлаш биринчи навбатда **ёшларимизнинг таълим-тарбиясига**, дунёқарашига ва азалий урф-одатларимизни асраб-авайлашга боғлиқ экани барчамизга яхши маълум.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги пайтда вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик пасаймасдан, айрим ҳолларда кўпайиб бораётгани барчамизни жиддий ташвишга солмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг 10 ойида Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони ошганини, хусусан, қасддан одам ўлдириш 3 фоизга, зўравонлик 4 фоизга, бошқа тоифадаги жиноятлар эса 9 фоизга кўпайганини қандай баҳолаш мумкин?

Бундай салбий ҳолатларнинг ортиб бориши ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, ҳокимликларда ёшлар билан ишлашга масъул бўлган ҳоким ўринбосари лавозимини жорий этамиз.

Туман ички ишлар бўлимларида эса ёшлар билан ишлаш бўйича махсус ўринбосар лавозими киритилади ва улар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан ҳамкорликда ишлаш, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун жавоб берадилар.

Шу билан бирга, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг оммавий-маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги ишларини янада кучайтириш зарур.

Бунинг учун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан Ҳукуматнинг тегишли қарорини тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, Талабалар шаҳарчаси ва олий ўқув юртлари турар-жойларида барча қулайликларга эга бўлган маданий дам олиш марказларини ташкил этиш ва улардан бепул фойдаланишни йўлга қўйиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Ёшларнинг таълим-тарбияси хақида гапирганда, **уларнинг китобга меҳри пасайиб, болаларимиз кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.** Мени тўғри тушунишларингизни истайман, мен интернетга қарши эмасман. Бугунги кунда ахборот тарқатиш, ахборот алмашишнинг тезлиги ва мукаммаллиги бўйича интернетнинг ўрнини босадиган бошқа восита йўқлигини албатта яхши биламан.

Аммо фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият манбаи бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки биз учун ёт бўлган ғояларни ёшларимиз онгига сингдираётган зарарли ахборотлар асосида шаклланишига мен мутлақо қаршиман.

Болалар боғчалари, мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртларида ўқув жараёни, таълим ва тарбия усулларини қайта кўриб чиқишимиз зарур.

Энг муҳими, фарзандларимизда ёшлик чоғидан бошлаб китобга меҳр қўйиш, мустақил фикр юритиш, мураккаб ҳаётий вазиятларда тўғри жавоб топиш кўникмасини шакллантиришимиз, бунинг учун тегишли ташкилий ишларни амалга оширишимиз даркор.

Ёшларни тарбиялашда таълим муассасалари, кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари ролини ошириш, бу борада бадиий ва илмий адабиётлардан кенг фойдаланиш мақсадида пойтахтимиздаги барча кутубхоналар таъмирланади. Китоб фондини кенгайтириш ва кейинчалик электрон манбаларга ўтказиш бўйича бюджетдан мақсадли молиялаштириш ҳажми оширилади.

Шунингдек, шаҳардаги 27 та маданият уйини тўлиқ таъмирлаймиз ва **уларнинг ҳар бирида бой кутубхона фондига эга бўлган шинам ўқув залларини** ташкил этамиз. Бундан ташқари, ҳар бир туманда биттадан барча қулайликларга эга бўлган замонавий янги китоб дўконлари барпо этилади. Шулар қаторида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мамлакатимиз кутубхона фондининг ягона электрон тармоғини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу тармоқда миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналари кенг тақдим этилиши, барча таълим муассасалари ва аҳоли ўз шахсий компьютери орқали тармоқдан уйида туриб фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

Азиз дўстлар!

Биз таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ишларимизни янада кучайтириш учун бир қатор чора-тадбирларни режалаштирмоқдамиз.

Фарзандларимизни ҳар томонлама билимли, она юртимизга садоқатли инсонлар этиб тарбиялаш болалар боғчасидан бошланишини эътиборга олиб, жорий йилнинг якунига қадар 2017-2021 йилларга мўлжалланган, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича махсус дастур қабул қиламиз.

Жумладан, келгуси беш йилда Тошкент шаҳрида 45 та янги болалар боғчаси барпо этилади, 225 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинади, таъмирланади ва қайта жиҳозланади.

Бугунги кунда шаҳар мактабларидаги аҳвол ҳақида гапирадиган бўлсак, пойтахтимизнинг айрим ҳудудларида мактаблар ўқувчилар уйидан узоқлиги, бир қатор мактабларда эса синфдаги ўқувчилар сони ҳаддан ташқари кўплиги, ҳатто қирқдан зиёдни ташкил этиши, табиийки, таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундай ҳолатни бартараф этиш учун келгуси йили Бектемир туманида 1 та ва Олмазор туманида 2 та янги мактаб барпо этилади. Ўқувчилар сони кўп бўлган 5 та мактабга қўшимча янги ўқув бинолари қуриб берамиз. Шунингдек, 21 та мактаб тўлиқ таъмирланади.

Ушбу мақсадларга 2017 йилда Давлат бюджетидан 56 миллиард сўм ажратилади. Тошкент шаҳрида мактабларни қуриш ва таъмирлаш ишларига бюджет маблағларини келгуси йилларда ҳам етарли миқдорда ажратиш ҳақида Молия вазирлигига қатъий топшириқ берилди.

Шу ўринда муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мен илмий-техник тараққиёт бўйича келажагимизни белгилаб берадиган физика, математика, кимё, биология, информатика ва компьютер технологияси каби фанлар бўйича **ихтисослаштирилган мактабларни кўпайтиришни таклиф этаман.**

Бу мактабларда айниқса кам таъминланган оилаларнинг иқтидорли фарзандлари учун зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Ёшларнинг касб-ҳунар эгаллаш ва билим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 14 та касб-ҳунар коллежи капитал таъмирланиб, қайта жиҳозланади ва ушбу мақсадлар учун Давлат бюджетидан 18 миллиард сўм ажратилади.

Академик лицейлар фаолиятини янада такомиллаштириш олдимизда муҳим вазифа бўлиб турибди. Менимча, ҳар бир лицей тегишли олий ўқув юртига бириктирилиши ва уларга фақат иқтидорли болалар қабул қилиниши лозим.

Академик лицейларда дарслар имкони борича олий ўқув юртлари домлалари томонидан ўтилиши нур устига нур бўларди.

Бу машғулотлар истеъдодли ёшларнинг кейинчалик олий ўқув юртларида, сўнгра докторантурада ўқишни давом эттиришига ёрдам бериши лозим. Бир сўз билан айтганда, таълим сифати ва яна бир бор таълим сифати академик лицейлар фаолиятининг асосий мезони бўлиши даркор.

Сизларга маълумки, Тошкентда халқаро миқёсда эътироф этилган нуфузли хорижий олий ўқув юртларининг филиаллари, шунингдек, деярли барча таълим йўналишлари бўйича йирик олий ўқув юртлари жойлашган.

Афсуски, аксарият олий ўқув юртларида таълим сифати халқаро мезонларга ва реал иқтисодиёт талабларига жавоб бермайди. Ишлаб чиқаришда иш бошлаган кўпгина битирувчиларни аксарият ҳолларда қайта ўқитишга тўғри келмоқда.

Юзага келган вазиятни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус фармойиши қабул қилинди ва олий таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш бўйича махсус дастур якунига етказилмоқда.

Дастурга биноан таълим стандартларини халқаро андозаларга мослаштириш, ўқув дастурлари ва режаларини такомиллаштириш, дарсликларнинг янги авлодини яратиш, жумладан, дунёнинг етакчи университетларида қўлланилаётган дарсликларни ўзбек тилига таржима қилиш ва энг асосийси, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шу билан бирга, олий таълим муассасаларининг бино ва иншоотларини қайта қуриш ва уларни лаборатория ускуналари билан жиҳозлашга ҳар йили Давлат бюджетидан 400 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Маълумки, Тошкент шаҳри мамлакатимиз илмий-техникавий салоҳиятининг улкан қисмини ўзида мужассам этган, Марказий Осиёдаги энг йирик илмий марказдир.

Шу сабабли ҳам бугунги учрашувимизда **илм-фан ва илмий тадқиқотларни ташкил этиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли, деб ўйлайман.**

Авваламбор, Ўзбекистонда илм-фан ривожини замонавий асосда ташкил этиш учун Фанлар академияси илмий тадқиқотларни давлат томонидан бошқариш ва мувофиқлаштириш бўйича етакчи марказ бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблайман.

Биринчи навбатда, Фанлар академиясига ёш олимларни кенг жалб этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш керак. Айни вақтда талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш учун илмий муассасалар билан олий ўқув юртлари ўртасида яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш лозим.

Мазкур жараёнларни тезлаштириш ҳамда илмий лабораторияларни замонавий жиҳозлаш учун ҳар йили 10 миллион долларга яқин маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун устав фонди эркин конвертация қилинадиган валютада шакллантириладиган махсус жамғарма тузиш мақсадга мувофиқдир. Илмий тадқиқот лабораторияларига танлов асосида замонавий асбоб-ускуналар сотиб олиш учун ушбу Жамғармадан тегишли грантлар ажратиш тартиби ишлаб чиқилиши лозим.

Иккинчидан, илмий тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Бу масалада жиддий силжишга эришиш учун халқаро тажрибадан келиб чиқиб, пойтахтимизнинг Академиклар шаҳарчасида "эркин иқтисодий ҳудуд" мақомига эга бўлган, яъни барча солиқ ва мажбурий тўловлардан озод этилган ҳамда махсус валюта ва божхона тартиби асосида иш юритадиган **инновация марказини ташкил этиш** мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун зарур бўлган барча харажатлар, яъни 27 миллиард сўм ва 5,5 миллион доллар маблағ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги жамғарма маблағлари ва инвестициялар ҳисобидан қопланади.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Бугунги учрашувга тайёргарлик кўриш жараёнида мен **шаҳар аҳолиси ҳар куни мурожаат қиладиган** касалхоналар, туғруқхоналар, болалар шифохоналари ва оилавий поликлиникаларга янада кўпроқ эътибор қаратиш лозим эканига амин бўлдим.

Шу мақсадда шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатадиган тиббиёт муассасаларини қайта қуриш ва таъмирлашга Давлат бюджетидан кейинги 5 йилда 300 миллиард сўм ажратилади.

Жумладан, 2017 йилда Учтепа туманидаги Беш-қайрағоч маҳалласи, собиқ "Штаб" маҳалласидаги 9-сонли, Қорасарой маҳалласидаги 2-сонли, Сирғали тумани "Спутник" мавзесидаги 1-сонли туғруқхона мажмуалари таъмирланади ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан қайта жиҳозланади.

Ўз навбатида, Ибн Сино номидаги 1-сонли клиник шифохонада қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари келгуси йили тўлиқ якунланади. Бундан ташқари, янги йилда Юнусободдаги 1-сонли шаҳар болалар шифохонаси ҳамда Чилонзор туманидаги 5-сонли юқумли касалликлар шифохонаси ҳам капитал таъмирланади ва жиҳозланади.

Хулоса қилиб айтганда, келгуси беш йилда шаҳардаги 18 та болалар шифохонаси ва кўп тармоқли поликлиникалар, 22 та оилавий поликлиника капитал таъмирланади. Шунингдек, Яккасарой, Юнусобод, Учтепа, Шайхонтоҳур ва Олмазор туманларида 25 та оилавий поликлиника янгитдан қурилади ва реконструкция қилинади.

Юқорида баён этилган лойиҳаларга қўшимча равишда дори-дармонлар нархини шакллантириш масаласига қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу масаланинг қандай долзарб бўлиб турганини ҳеч кимга сир эмас. Шу боис биз дори-дармонларга нарх белгилашни давлат томонидан тартибга солиш тизимини тубдан ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилдик. Қарийб 300 номдаги дори-дармонлар учун қатъий нарх белгиланди, қолган дори воситалари учун эса устама нарх белгилаш чекланди.

Натижада 2017 йилнинг январь ойидан бошлаб дорихоналарда амалдаги нархлардан анча паст бўлган янги нархларни кўриш мумкин бўлади, деб ўйлайман.

Барчамизга аёнки, **жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш** аҳоли саломатлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб, аввало, ёшларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан шаҳримиз ёшлари спорт билан оммавий равишда шуғулланишлари учун янада кенг имконият яратиш мақсадида келгуси 3 йил давомида болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига олимпия талабларига жавоб берадиган 10 та ёпиқ бассейн ва 10 та универсал спорт заллари қуриб берилади ва реконструкция қилинади.

Жумладан, келгуси йилда шаҳарнинг аҳоли зич жойлашган ва спорт комплекслари мавжуд бўлмаган Чилонзор, Мирзо Улуғбек, Миробод, Учтепа туманларидаги спорт мактабларида ёпиқ сузиш ҳавзалари ва спорт заллари қурилади ва реконструкция қилинади. Ушбу мақсадлар учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан 23 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Энди **катта спорт** ҳақида гапирадиган бўлсак, янги йилда Тошкентда спортнинг ўйин турларига ихтисослашган ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказишга мўлжалланган энг замонавий, универсал спорт комплексини барпо этиш учун Давлат бюджетидан 45 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Шунингдек, Шайхонтоҳур туманидаги Ўқчи маҳалласида спортнинг муз устида учиш тури билан шуғулланиш ҳамда шаҳар аҳолисининг дам олиши учун мўлжалланган Муз саройи қурилади. Мазкур мажмуаларни лойиҳалаштириш учун жаҳоннинг етакчи архитектор ва дизайнерлари жалб этилади.

Азиз дўстлар!

Азим пойтахтимизда **маданият ва санъатни ривожлантириш,** аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун замонавий шарт-шароитлар яратиш яна бир муҳим вазифамиздир.

Биз мамлакатимизда маънавий муҳитни юксалтириш мақсадида маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада тараққий топтиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Биринчи навбатда ёзувчилар, бастакор ва рассомлар, театр арбоблари, киноижодкорлар, журналистлар ва бошқа ижодий уюшмаларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини оширишга алоҳида аҳамият қаратамиз.

Мен шоир ва адиблар, рассомларимиз, актёр ва режиссёрлар, композиторлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан доимий мулоқотда бўламан. Шу боис тўла ишонч билан айта оламанки, улар ўз касбига, она Ватанимиз, халқимизга жуда содиқ инсонлардир. Улар иш шароити ёки моддий аҳволи ҳақида ҳеч қачон шикоят қилмайдилар. Энг муҳими, улар эл-юртимиз ривожи учун чин дилдан хизмат қилишни истайдилар. Мен уларнинг иши қанчалик оғирлигини яхши биламан ва ижод аҳлининг меҳнатини рағбатлантиришга етарлича эътибор бермаганимизни ҳам тан оламан.

Шу сабабли 2017 йилда ёзувчи ва журналистларнинг қалам ҳақини, театр ва музейлар ходимларининг, шунингдек, бошқа санъат ва ижод соҳаси вакилларининг маошлари миқдорини сезиларли равишда ошириш ҳақида махсус қарор қабул қиламиз.

Пойтахт аҳолиси томонидан шаҳарда маданият ва истироҳат боғлари етарли эмаслиги ҳақида кўплаб эътирозлар билдирилмоқда. Очиқ тан олишимиз керакки, биз бу масалада пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари, айниқса, ёшларимиз олдида қарздормиз.

Бу борадаги ишларни яхшилаш мақсадида **махсус дастур ишлаб чиқилди.** Унга кўра, 2017 йилда Тошкент шаҳрида 8 та янги маданият ва истироҳат боғи барпо этилади. Уларни жойлаштириш учун Мирзо Улуғбек, Миробод, Учтепа, Сирғали, Чилонзор, Шайхонтоҳур ва Яшнобод туманларида тегишли ер майдонлари ажратиб қўйилди.

Бундан ташқари, Бектемир туманида, Чирчиқ дарёси қирғоғида 70 гектар майдонда умумий қиймати 80 миллион доллар бўлган, дунёдаги энг машҳур "Диснейленд" паркларидан қолишмайдиган Марказий Осиёдаги энг катта замонавий аттракционлар боғи қурилади. Ҳозирги пайтда мазкур лойиҳани амалга ошириш юзасидан Европанинг етакчи парк операторлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

Кексаларимизни асраб-авайлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам бизнинг доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Авваламбор, 2017 йилдан бошлаб "Нуроний" жамғармасининг туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасидаги вакиллари Давлат бюджетидан маош оладилар ва бунда уларнинг пенсиялари тўлиқ миқдорда сақлаб қолинади. Ушбу мақсадларга Давлат бюджетидан ҳар йили 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади. Шунингдек, Тошкент шаҳрида яшайдиган барча пенсионерларга Тошкент метрополитени хизматларидан ҳар куни эрталаб соат 10 дан соат 16 гача бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги пенсионерларнинг 20 фоизига, айниқса, бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлган ёлғиз карияларга йилда бир марта «Нуроний» жамғармаси маблағлари ҳисобидан **дори воситалари сотиб олиш учун моддий ёрдам кўрсатилади.** Шу билан бирга, ёлғиз кексалар ва имконияти чекланган инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, Мурувват ва Саховат уйларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширамиз. Айни пайтда Мурувват ва Саховат уйларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоатчилик кенгаши кўмагида шаҳардаги барча Меҳрибонлик уйлари тўлиқ таъмирланди.

Муҳтарам пойтахт аҳли!

Мустақиллик йилларида биз эришган энг катта ютуқ – бу жамиятимиздаги ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитидир ва биз бу бебаҳо бойликни асраб-авайлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бутун дунёда мураккаб вазият юзага келаётган, терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бугунги шароитда доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиш, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини, Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашни биз хавфсизлик ва барқарорликни, халқимизнинг осойишта ҳаётини таъминлашнинг энг муҳим шарти ва кафолати, деб биламиз.

Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман – биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига таҳдид солишга уринадиган ёвуз кучларнинг ҳар қандай ҳаракатларига кескин зарба беришга қодирмиз.

Ташқи сиёсат соҳасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан ишлаб чиқилган принцип ва ёндашувларга тўлиқ амал қилиш сайловолди дастуримизнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этади.

Бу сиёсатнинг асосий маъно-мазмуни – тинчликпарварлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, юзага келадиган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақат тинч, сиёсий йўл билан ҳал этиш, барча хорижий давлатлар ва жаҳон ҳамжамияти билан амалий ҳамкорлик қилишдан иборат.

Мамлакатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмайди, бошқа давлатларнинг ҳарбий база ва объектлари Ўзбекистон ҳудудида жойлаштирилишига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўйилмайди.

Ташқи сиёсатни амалга оширишда барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Бу борада илгари ҳам айтган бир фикримни такрорлашни истардим. Биз қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, аксинча, ҳамкорлик қилиш йўлини изчил давом эттирамиз. Ҳамкорликни тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови деб биламиз. Қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва манфаатли ҳамкорликни қанча ривожлантирсак, бундан юртимиз ҳам, бутун минтақамиз ҳам шунча кўп наф кўради.

Азиз дўстлар!

Шаҳримиз ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар-маданий соҳалардаги кўп қиррали вазифаларни муваффақиятли бажариш аввало тартиб ва интизом, шаҳар ва туманлар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

Одамлар орасида яшаш, уларнинг дардига қулоқ солиш, аҳолининг эҳтиёжлари ва қонуний талабларини амалга ошириш учун тезкор чоралар кўриш – ҳар бир раҳбарнинг асосий вазифаси, деб ҳисоблайман.

Бу муҳим соҳада, афсуски, ҳали кўпгина камчиликларимиз бор. Фақат кейинги 2 ой мобайнида Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига шаҳар фуқароларидан 60 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди. Бу мамлакатимиз бўйича барча мурожаатларнинг 32 фоизини ташкил қилади. Уларнинг асосий қисми уй-жой шароитларини, банк тизими фаолиятини яхшилаш, бандлик ва сув таъминоти масалалари бўйича Олмазор, Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларига тўғри келади. Аксарият ҳолларда шаҳар аҳолиси ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ишларидан норози бўлмоқда.

Кадрлар билан ишлашда йўл қўйилаётган нуқсонлар ушбу камчиликларнинг асосий сабабларидан биридир. Айни вақтда қўйилган вазифаларни масъулият билан ва профессионал даражада амалга оширишга қодир бўлган кадрларнинг амалий захираси яратилмаганини афсус билан қайд этиш керак.

Шуларни ҳисобга олиб, бир ой мобайнида ҳар бир тумандаги вазиятни пухта ўрганиб чиқиш, туман ҳокимликлари ва шаҳар ҳокимлиги бошқармаларини ишчан ва замонавий фикрлайдиган кадрлар билан мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур ва шарт, деб ўйлайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Азиз ҳамшаҳарлар!

Ватанимиз пойтахти, унинг олтин остонаси бўлган азим Тошкентимиз барчамиз учун онадек улуғ ва мўътабардир. Биз бу буюк шаҳар тимсолида Ўзбекистонимизни, унинг бугунги озод ва обод қиёфасини, нурафшон келажагини кўрамиз.

Тошкентни янада гўзал ва обод шаҳарга айлантириш – барчамизнинг муқаддас фарзандлик бурчимиздир. Менинг сайловолди дастуримдан ўрин олган барча режа ва тадбирлар айни шу эзгу мақсадга қаратилгандир. Ҳеч шубҳасиз, бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларимиз нафақат Тошкент шаҳри, балки бутун мамлакатимиз ривожига беқиёс ҳисса бўлиб қўшилади.

Янги, демократик Ўзбекистон давлатини қуриш ва уни дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишда доимо олдинги сафда бўлиб келаётган сиз, азизлар ана шу улкан марраларга эришишда барчага ўрнак ва намуна бўласиз, деб ишонаман.

Ҳамиша улуғ мақсадлар билан яшайдиган мард ва олижаноб халқимизга, сиз, ҳурматли пойтахт аҳлига фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш, сизларнинг юксак ишончингизни оқлаш – мен учун чинакам саодатдир.

Азиз ватандошлар!

Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам албатта бўлади.

Сўзимнинг охирида сизларга, сизлар орқали кўпни кўрган, меҳри дарё Тошкент аҳлига сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 28

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Сайлов – демократия кўзгуси".
07.40 "Кунларнинг бирида".
07.55 "Сайлов – 2016".
08.00 "Таҳлилнома".
08.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
09.15 "Соғлом она ва бола йили". "Нурли риштталар".
09.35 "Қишлоқ ҳаёти".
10.00 Анонс.
10.10 "Ватанпарвар".
10.55 "Сайлов – 2016".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Агроолам".
11.30 "Ҳаётимиз қомуси".
11.50 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
13.45 Анонс.
13.55 "Сайлов – 2016".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Зиё" студияси: "Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида".
14.45 "Менинг боғим".
15.05 "Бизнес-старт".
15.30 "Мўъжизалар макони".
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
16.55 "Сайлов – 2016".
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
17.45 "Суҳбатдош".
18.05 Анонс.
18.15 "Имконият".
18.35 "Монк". Т/с.
19.20, 20.00, 20.50 Эълонлар.
19.25 "Сайлов – 2016".
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.00 "Сайлов – 2016".
20.55 "Сайлов – 2016".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 00.05 "Ашаддий мухлис". Б/ф.
00.05 "Менинг боғим".
00.25 Иқлим.
00.30 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Катта ойи". Б/ф.
03.40 "Имконият".
04.00 "Ахборот".
04.35 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
05.15 – 05.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Чархпалак". Т/с.
06.50 "Қизлар мактаби".
07.10 "Бир қадам". Т/с.
07.50 "Сайлов – 2016".
08.00 "Олтин даврим". Т/с.
09.30 "Сеҳрли қўллар".
09.45 "UzEX".
09.55 "Сайлов – 2016".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Қалбим эгаси". Т/с.
11.00 "Ибн Сино". Х/ф.
12.00 "Гул ва шамшир". Т/с.
12.50 "Сайлов – 2016".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Вельвет галереяси". Т/с.
15.50 "Сайлов – 2016".
16.00 "Давр".
16.10 "Изтопар". Т/с.
17.00 "Конституция дарси".
17.10 "Қорақалпоқ ёшлари".
17.30 "Қиш сонатаси". Т/с.
18.40 "UzEX".
18.50 "Сайлов – 2016".
19.00 "Давр".
19.30 "Қалбим эгаси". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Гул ва шамшир". Т/с.
21.55 "Сайлов – 2016".
22.00 "Давр".
22.30 "Сайлов – 2016".
23.10 "Хиёнат". Т/с.
00.10 "Фусункор чироқлар".
00.30 "Афсона ва ҳақиқат".
04.30 "Мўъжизавий дунё".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Жийда гули".
06.45 "Poytaxt-avto".
06.55 "Тошкент вақти".
07.57, 08.57 "Сайлов – 2016".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Столичное мнение".
11.35 "Тошкентнома".
12.15 Миллий сериал: "Жийда гули".
12.45 "Мобиль камера".
13.15 "Пойтахт-культура".
13.30 "Кинотақдим".
14.15 "Тошкент вақти".
16.10 "Очиқ мулоқот".
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Телетаҳлил".
17.45 "Poytaxt-Hi-tech".
17.57 "Сайлов – 2016".
18.20 "Пойтахт-авто".
18.35 "Сифат назорати".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. / Премьера/.
19.57 "Сайлов – 2016".
20.20 Миллий сериал: "Сабр".
21.00 "Сайлов – 2016".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Непрощенная". Х/ф.
00.20 "Сифат назорати".
00.45 "Пойтахт-культура".
01.00 "Ҳикматли дунё": "13-палата".
01.30 "Кўнгил ҳайратлари".
02.15 "Эртамиз эгалари".
02.35 "Рангли телевизор".
03.20 "Мен сизга айтсам".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Бизнинг спорт".
06.40 "Эътироф".
07.00 "Sport-online".
08.00 Талқин.
08.35 Баскетбол.
10.05 "Футбол янгиликлари".
10.10 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.
11.15 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Футбол. Олий лига. Ўтиш ўйини. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
15.00 Хабарлар.
15.20 "Футбол янгиликлари".
15.30 "Соғлом турмуш сари".
16.15 "Спорт сабоқлари".
16.35 Теннис. ATP-WTA турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.25 "Футбол янгиликлари".
18.30 Хабарлар.
18.50 "Техноспорт".
19.05 Спорт курашлари. Олтин Гран-при турнири.
20.20 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар.
20.50 "Футбол янгиликлари".
20.55 "ФИФА". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.30 Баскетбол.
23.50 "Техноспорт".
00.00 Мадҳия.
00.05 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
01.10 Хабарлар.
01.35 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.
02.40 Трамплиндан сакраш. Жаҳон Кубоги.
03.45 "Юлдузли оқшом".
04.40 – 06.00 Теннис. ATP-WTA турнири.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Меҳробдан чаён".
06.35 "Муҳаббат риштаси".
07.00 Миллий кино. "Висол".
08.15 "TV анонс".
08.20 "Теран илдизлар".
08.45 "7 кун нафаси".
09.00 "Маҳалламиз спортчилари".
09.50 Миллий кино. "Чинор остидаги дуэль".
10.50 "TV анонс".
10.55 "Йўлга чиқдик".
11.25 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
12.05 "Гузардаги гурунглар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Ганг дарёсининг қизи".
14.10 "TV анонс".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
15.30 "Ноёб институт".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Фермер".
16.30 "Илм қудрати".
16.55 "TV анонс".
17.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
17.30 "Очиқ дарс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
19.30 "Саодатли умр".
20.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Бу телба муҳаббат ёхуд Фарҳод ва Ширин".
22.30 "TV анонс".
22.35 "Тунги репортаж".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Обод манзиллар".
23.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Меҳробдан чаён".
00.35 "Нуроний фасл".
01.00 Миллий кино. "Ганг дарёсининг қизи".
02.10 "Иш билганга минг танга".
02.40 "Маҳаллам ҳақида".
03.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
03.30 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
04.15 "Бола бошидан".
05.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
05.35 – 06.00 "Аждодлар хазинаси".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Ширинтой-кичкинтойлар".
07.50 "Мультипанорама".
08.40 "Топағон болажон".
09.00 "Рассом болажон".
09.10 "Мультипанорама".
10.00 "English World".
10.10 "ABC-kids".
10.30 "Bravo English".
10.50 "Мультипанорама".
12.50 "Миттивойлар мусобақаси".
13.10 "Эртаклар оламида".
14.10 "Қувноқ алифбо".
14.40 "Боғбон болажон".
15.00 "Табиатшунос болажон".
15.10 "Мультипанорама".
16.00 "Болажон ошхонаси".
16.10 "Худойберди бобо меҳмонда".
16.30 "Мультипанорама".
17.20 "Кун тартиби".
17.30 "Қўғирчоқлар театри".
18.00 "Мультипанорама".
19.30 "Саргузаштлар ороли".
20.00 "Цирк, цирк, цирк".
20.30 "Китоблар мамлакатида".
20.50 "Эртаклар оламида".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Ғаройиб бола". Б/ф.
07.30 Миллий кино. "Кечиккан ҳаёт".
08.55 Оилавий экран. "Катта оила".
10.40 Саргузашт фильмлар экрани. "Ўнта негр боласи". 1-қисм.
11.45 "Ўнта негр боласи". Б/ф. 2-қисм.
13.00 Севимли сериал. "Қақнус".
14.05 "Табор кўкка йўл олади". Б/ф.
15.35 Болалар экрани. "Шаҳризоданинг янги эртаклари".
17.35 Мировое кино. "Счастье - это".
19.00 "Антарктика". Т/с.
19.50 Миллий кино. "Эркатой".
21.40 "Ҳафта юлдузи". Мэл Гибсон.
22.00 Жаҳон киноси. "Мэверик".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Посейдон". Х/ф.
01.40 Миллий кино. "Дока рўмолнинг қуриши".
03.50 – 06.00 "Колонна". Б/ф.

СЕШАНБА, 29

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Сайлов – 2016".
07.55 "Сайлов – 2016".
08.00 "Ахборот".
08.40 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
09.10 "Суҳбатдош".
09.30 "Нақшлар жилоси".
09.40 "Сарҳад билмас дўстлик".
10.00 Анонс.
10.10 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
10.55 "Сайлов – 2016".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Кўнгил ободлиги".
11.40 "Фикр.uz".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Учбурчак". Ток-шоу.
13.55 "Сайлов – 2016".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Устурлоб".
14.35 "Кўрганларимиз ҳақида".
15.05 Анонс.
15.15 "Муносабат". Ток-шоу.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Афсонавий қоялар". Х/ф.
16.30 "Ахборот" /инглиз/.
16.40 "Қорачиқ".
16.55 "Сайлов – 2016".
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
17.45 Анонс.
17.55 "2016 йил – "Соғлом она ва бола йили". "Нурли риштталар".
18.15 "Агроолам".
18.35 "Монк". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.25 "Сайлов – 2016".
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.00 "Сайлов – 2016".
20.55 "Сайлов – 2016".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бизнес старт".
22.05 – 23.40 "Ғаройиб гаров". Б/ф.
23.40 "Агроолам".
00.00 "Нурли риштталар".
00.20 Анонс.
00.30 Миллий сериал: "Қалдирғочлар яна қайтади".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
03.15 "Кўрганларимиз ҳақида".
03.45 "Афсонавий қоялар". Х/ф.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
05.20 Анонс.
05.30 – 05.55 "Бизнес-старт".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Чархпалак". Т/с.
06.50 "Соғлом ҳаёт".
07.10 "Бир қадам". Т/с.
07.50 "Сайлов – 2016".
08.00 "Олтин даврим". Т/с.
09.30 "Сеҳрли қўллар".
09.45 "UzEX".
09.55 "Сайлов – 2016".
10.00 "Давр".
10.10 "Қалбим эгаси". Т/с.
11.00 "Сайлов – 2016".
11.40 "XXI аср технологиялари".
12.00 "Гул ва шамшир". Т/с.
12.50 "Сайлов – 2016".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Вельвет галереяси". Т/с.
15.50 "Сайлов – 2016".
16.00 "Давр".
16.10 "Изтопар". Т/с.
17.00 "Баркамоллик сари".
17.10 "Давр мавзуси".
17.30 "Қиш сонатаси". Т/с.
18.40 "UzEX".
18.50 "Сайлов – 2016".
19.00 "Давр".
19.30 "Қалбим эгаси". Т/с.
20.20 "Оналар мактаби".
21.00 "Гул ва шамшир". Т/с.
21.55 "Сайлов – 2016".
22.00 "Давр".
22.30 "Сайлов – 2016".
23.10 "Хиёнат". Т/с.
23.50 "Имкон-шоу".
00.30 "Ош бўлсин!"
04.30 "Мўъжизавий дунё".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Жийда гули".
06.45 "Пойтахт- Hi-tech".
06.55 "Тошкент вақти".
07.57, 08.10, 08.57. "Сайлов – 2016".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Соғлом келажак". Х/ф.
11.35 "Poytaxt-madaniyat".
11.45 "Мобильная камера".
12.15 Миллий сериал: "Сабр".
12.45 "Poytaxt-avto".
13.15 "Телетаҳлил".
13.45 "Пойтахт-культура".
14.15 "Тошкент вақти".
16.10 "Poytaxt-Hi-tech".
16.20 Миллий сериал: "Жийда гули".
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Рангли телевизор".
17.45 "Пойтахт-авто".
17.57 "Сайлов – 2016".
18.20 "Обод хонадон".
18.45 "Poytaxt-intervyu".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
19.57 "Сайлов – 2016".
20.20 Миллий сериал: "Сабр".
21.00 "Сайлов – 2016".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Prada и чувства". Х/ф.
00.05 "Пойтахт-культура".
00.20 "Профессионал".
00.45 "Обод хонадон".
01.05 "Poytaxt-intervyu".
01.20 "Ҳикматли дунё": "Сўнгги пушаймон".
01.45 "Poytaxt-madaniyat".
02.15 "Тошкентнома".
02.35 "Кўзгудаги биз".
03.05 "Мен сизга айтсам".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Спорт сабоқлари".
06.30 "Болалар спорти".
07.00 "Sport-online".
08.00 Хабарлар.
08.15 Футбол. Олий лига. Ўтиш ўйини.
10.05 "Футбол янгиликлари".
10.10 "Шахмат дурдоналари".
10.45 "Техноспорт".
11.00 "Осиёга назар".
11.15 "Шоҳсупага йўл".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
14.00 Хабарлар.
14.15 "Футбол янгиликлари".
14.25 "Дилдаги гаплар".
15.25 Спорт курашлари Олтин Гран-при турнири.
16.40 "Ифтихоримсан, спорт!"
16.55 Фигурали учиш. Гран-при турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Соғломжон-полвонжон".
18.25 "Футбол янгиликлари".
18.30 Хабарлар.
18.50 "Техноспорт".
19.05 Спорт курашлари. Олтин Гран-при турнири.
20.20 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар.
20.50 "Футбол янгиликлари".
21.00 Бокс. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати.
22.05 "Юлдузли оқшом".
23.00 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
00.00 Мадҳия.
00.05 Баскетбол.
01.30 Хабарлар.
01.55 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.
03.00 "Техноспорт".
03.10 Фигурали учиш. Гран-при турнири.
04.15 "Спортчи қизлар – Ўзбекистон ифтихори".
05.00 – 06.00 Биатлон. Жаҳон Кубоги.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Меҳробдан чаён".
06.40 "Тунги репортаж".
07.00 Миллий кино. "Бу телба муҳаббат ёхуд Фарҳод ва Ширин".
08.30 "Кун нафаси".
08.40 "Саодатли умр".
09.10 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
09.40 "Қадр топган қадриятлар".
10.10 "Халқ виждони". Ток-шоу.
11.00 "Менинг маҳаллам".
11.30 "Очиқ дарс".
12.00 "Қайнона бистотидан".
12.25 "TV анонс".
12.30 "Теран илдизлар".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Сукунат".
14.05 TV анонс".
14.10 "Маҳалламиз спортчилари".
15.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
15.30 "Автотелемактаб".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
16.40 "Мўъжаз Ватан".
17.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
17.30 "Маҳалламиз болалари".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Аслидек асрайлик".
18.30 "Ноёб институт".
19.00 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Обод манзиллар".
20.00 "Биламиз-ку, аммо".
20.25 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 "Сайлов – демократия кўзгуси".
21.55 "TV анонс".
22.00 Миллий кино. "Кечир".
23.35 "Табиат шифохонаси".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Меҳробдан чаён".
00.35 "Жавондаги жавоҳир".
01.00 Миллий кино. "Сукунат".
02.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток-шоу.
03.00 Миллий сериал. "Бедор туйғулар".
03.30 "Сулола".
04.00 "Ноёб институт".
04.30 "Илм қудрати".
05.00 Миллий сериал. "Умр сўқмоқларида".
05.35 – 06.00 "Фермер".

Болажон

07.00 "Салом, болажон!"
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Миттивойлар мусобақаси".
07.50 "Мультипанорама".
08.40 "Худойберди бобо меҳмонда".
09.00 "Боғбон болажон".
09.10 "Мультипанорама".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "ABC-kids".
10.50 "Мультипанорама".
12.50 "Табиатшунос болажон".
13.10 "Эртаклар оламида".
14.10 "Bravo English".
14.40 "Табиатга саёҳат".
15.10 "Мультипанорама".
16.00 "Болажон ошхонаси".
16.10 "Болажон меҳмонхонаси".
16.30 "Мультипанорама".
17.20 "Ўйинқароқ болалар".
17.30 "Саргузаштлар ороли".
18.00 "Мультипанорама".
19.30 "Рассом болажон".
19.40 "Китоблар мамлакатида".
20.00 "Қағилдоқ".
20.50 "Эртаклар оламида".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Имконият". Б/ф.
07.20 Миллий кино. "Эркатой".
09.05 Оилавий экран. "Мўъжизалар мамлакати".
10.45 Саргузашт фильмлар экрани. "Шарқий экспрессдаги қотиллик". 1-қисм.
11.50 "Шарқий экспрессдаги қотиллик". Б/ф. 2-қисм.
13.00 Севимли сериал. "Қақнус".
14.05 "Кўкка совурилган пуллар". Б/ф.
15.30 Болалар экрани. "Кенжатойдан қўрқ, эй, ғаним".
16.35 Мировое кино. "Экипаж". Х/ф. 1-қисм.
17.45 "Экипаж". Х/ф. 2-қисм.
19.00 "Антарктика". Т/с.
20.00 Миллий кино. "Тақдирлар".
21.35 Жаҳон киноси. "Баунти".
23.25 Мўъжаз фильм. "Кўза".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Фаворит". Х/ф.
02.20 "Сабрина". Б/ф.
04.20 – 06.00 "Дўстимнинг тўйи". Б/ф.

(Давоми келгуси сонда)

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ОНА ВА БОЛА СОҒЛИҒИ — ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси юзасидан Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётир. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтириш, жаҳон тиббиётининг илғор ютуқларини амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича қатор ютуқларга эришилди.

– Она ва болага кўрсатилаётган бирламчи тиббий-профилактика ёрдамини янада ривожлантириш тиббий ислоҳотларнинг устувор йўналишини ташкил этади, – дейди Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Раъно Ҳайитбоева. – 2016 йилда мазкур йўналишда фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини ошириш дастури доирасида 1 минг 428 умумий амалиёт шифокори ўқув курсларига жалб этилди. 500 дан ортиқ акушер-гинеколог, неонатолог ва педиатрнинг малакаси оширилди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида мактабгача тарбия муассасалари ва мактаб ўқувчиларига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш билан боғлиқ кенг кўламли вазифалар белгиланган. Жорий йилда барча таълим муассасалари ўқувчилари тиббий-профилактик кўрикдан ўтказилди.

Биринчи Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида"ги қарори асосида оналик ва болаликни муҳофазалаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик лойиҳалари кўлами янада кенгаймоқда.

Пойтахтимизда замонавий ташхис ва даволаш усулларини шифохоналарда кенг жорий этиш, такомиллашган тиббий хизматни аҳолига янада яқинлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, бошқарма тизимидаги тиббиёт муассасаларида бюджет маблағлари ҳисобидан жорий йилда 40 миллиард 800 миллион сўмлик қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, туман тиббиёт бирлашмаси иншоотларини реконструкция қилишга 3 миллиард 228 миллион сўм маблағ сарфланди. "Саломатлик-1", "Саломатлик-2", "Саломатлик-3" лойиҳалари доирасида туман тиббиёт бирлашмалари, оилавий поликлиникалар учун жарроҳлик ускуналари ҳамда бошқа жиҳозлар харид қилинган.

Бошқарма томонидан тиббиёт муассасаларида ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида "Болалар, ўсмирлар ва фертиль ёшидаги аёллар саломатлиги ҳафталиги"ни ўтказиш жорий этилган. Аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича семинар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Тизимдаги барча оилавий поликлиникаларда ташкил этилган "Ёш оналар" мактаби тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишга кўмаклашмоқда.

– Тиббиёт муассасамиз ўн беш маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатади, – дейди ЎзА мухбирига Миробод туманидаги 2-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари Дилфуза Пўлатова. – Аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш мақсадида шифо масканимиз замонавий аппаратлар, лаборатория ускуналари билан тўла таъминланган.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ногирон, туғма нуқсони бор болалар чет эл клиникалари ва марказларида соғлиғини тиклаб қайтмоқда. Жорий йилда Германиянинг "Friedensdorf International" ташкилоти томонидан шартнома доирасида Тошкент шаҳридан икки бемор бола хориж клиникаларига даволанишга юборилди ва илгари даволанишга юборилган тўрт бола соғломлашиб қайтди. Юз-жағ соҳасининг ривожланишида туғма нуқсонлар, ортопедик касаллик ва куйишдан кейинги контрактуралари бўлган олти бола мамлакатимиз клиникаларида операция қилинди.

Республика скрининг маркази билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ҳомиладорликнинг эрта даврларида акушерлик патологияси ва ҳомилада туғма нуқсонларни аниқлаш, ҳомиладорларни оммавий ультратовуш текширувидан тўлиқ ўтказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жорий йил январь-октябрь ойларида 18 ёшгача бўлган болалар ҳамда туғиш ёшидаги аёллар чуқурлаштирилган профилактик тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ёшларни никоҳдан олдинги тиббий кўрикка тўлиқ қамраб олиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётир. Бу жараёнда касаллиги аниқланганларга диспансерларга йўлланмалар берилмоқда, амбулатор ва стационар шароитда соғломлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Маҳалла, таълим муассасаси, оилаларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ирсий ва туғма касалликлар бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларида тушунтириш-тарғибот буклетлари, видеороликлар тарқатилмоқда.

Мазкур йўналишдаги чора-тадбирлар замирида оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва жисмонан бақувват, маънан етук авлодни вояга етказишдек олижаноб мақсадлар мужассам.

Шаҳноза МАМАТУРОПОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika Mulk Markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

1. Савдога Мирзо Улуғбек туман суд ижрочилари бўлими томонидан ФИБ Қуйичирчиқ туманлараро судининг 13.06.2016 йилдаги 1083/16-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туман, Пахтазор маҳалласида жойлашган "Мустақиллик Пахта тозалаш" АЖ ҳудудида сақланаётган "Ласетти" русумли, бошланғич баҳоси – 32 000 000 сўм, д/р 30Т 9909 бўлган, 2006 йил и/ч, ранги оқ автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 14 декабрь соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 12 декабрь соат 18:00.

2. Савдога Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2016 йил 6 майдаги 10-1615/6370-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чорбоғ кўчаси, 1-уй манзилида сақланаётган "Ниссан-Максима" русумли, давлат рақами 01/983 ВВА бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, оқ рангли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 31 605 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 28 декабрь соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 26 декабрь соат 18:00. Автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк бўйича алоҳида тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет-эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Ариза қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1А-уй. Тел: 228-79-52. www.rmm.uz. Гувоҳнома № 001580.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 28 декабрь куни соат 10.00да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига "Асака" АТБ Сергели филиалига қарашли Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-2 Г-40 мавзесида жойлашган умумий майдони 79,29 кв.метрдан иборат 24-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 124 420 000 сўм. Мазкур объект сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдоси ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 10.00да ўтказилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда, савдо ташкилотчисининг савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида фақат Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлган фуқаролар қатнашиш ҳуқуқига эга. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўловни савдо ташкилотчисининг АТБ "InfinBANK"даги МФО: 01041, ИНН: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: Аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz. www.realtors.uz.

Лицензия рақами RR 0173

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **26 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида қор ёғиши мумкин. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Шимолдан шарққа томон секундига 5-10 метр, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 7-9, кундузи — 2-4 даража совуқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 ноябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4713 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 01.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5